

136-сонли ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри

2021 йил «10» декабрь

Ўз устави доирасида иш юритувчи «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ (келгусида «Ижрочи» деб юритилувчи) номидан Бош директор Д.Х. ДЖАЛАЛОВ бир томондан ва ўз *олиғ от 05.01.21. бўйича* га асосан иш юритувчи «Гидропроект» АЖ (келгусида «Реклама берувчи» деб юритилувчи) номидан *Н.Н. Тошраев* иккинчи томондан, келгусида биргаликда «Томонлар» деб юритилади, ушбу шартномани қуйидаги мазмунда туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Реклама берувчи Ижрочиға хизмат таклиф қилади ва унга ҳақ тўлайди, Ижрочи эса Реклама берувчи такдим этган ахборот-реклама материалларини (келгусида «Реклама модули», деб юритилади) «Ўзбекистон бунёдкори» ижтимоий-иктисодий газетаси саҳифаларида нашр этиш мажбуриятини олади.

1.2. Ижрочи Реклама берувчи такдим этган Реклама модулини қуйидаги жадвалда келтирилган шартларга мувофиқ «Ўзбекистон бунёдкори» ижтимоий-иктисодий газетаси саҳифаларига жойлаштиради:

№	Товар (иш, хизмат тури)	Модуль ўлчами (см <sup>2</sup> )	Ранг	1 см <sup>2</sup> баҳоси (сўм)	Умумий қиймат (сўм)	Акциз солиғи		ҚҚС		ҚҚС ҳисоби билан умумий қиймат
						Ставка	Сумма	Ставка	Сумма	
1	Янги йил байрамига табрик	2000	рангли	3000	6 000 000	-	-	15%	900 000	6 900 000
Жами: 6 900 000 (олти миллион тўққиз юз минг) сўм										

1.3. Реклама берувчи Ижрочиға такдим этаётган Реклама модули Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мос эканини кафолатлайди.

1.4. Ижрочиға Реклама модулининг қоғоз нусхаси ва электрон шакли такдим этилади.

2. ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Реклама берувчининг мажбуриятлари:

2.1.1. Реклама модули (техник, маҳсулотга оид, иш ёки хизмат ва бошқа ахборотлар) ни мазкур Шартномада белгиланган муддатларда такдим қилиш.

2.1.2. Мажбурий сертификатлаштирилиши зарур бўлган ёки ишлаб чиқарилиши ёхуд реализация қилиниши учун махсус рухсатнома (лицензия) бўлиши талаб этиладиган маҳсулот реклама қилинганда, маҳсулот учун ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган сертификат, лицензияни такдим этиш.

2.1.3. Реклама берувчининг фаолияти лицензияланиши зарур бўлса, маҳсулотни ёки реклама берувчининг ўзини реклама қилаётганда, тегишли лицензияни такдим этиш.

2.1.4. Ижрочининг хизматларига мазкур Шартномада белгиланган шартлар ва тартибларда ҳақ тўлайди.

2.1.5. Ижрочи такдим қилган хизматларни қабул қилиб олади ва бажарилган ишлар юзасидан Акт имзолайди.

2.2. Ижрочининг мажбуриятлари:

2.2.1. Мазкур Шартнома бандларига мувофиқ Реклама берувчи такдим этган Реклама модулини «Ўзбекистон бунёдкори» ижтимоий-иктисодий газетаси саҳифаларига жойлаштиради.

3. ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКДИМ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

3.1. Реклама берувчи мазкур Шартнома имзолангандан сўнг 5 кун муддат ичида Ижрочиға ушбу Шартноманинг 1.2.-бандида белгиланган талабларга мос Реклама модулини такдим қилади.

3.2. Реклама берувчи олдиндан тўловни амалга оширишдан сўнг Ижрочи 7 кундан кўп бўлмаган муддатда Реклама берувчи такдим қилган Реклама модулини ўзи белгиланган тартибга кўра «Ўзбекистон бунёдкори» ижтимоий-иктисодий газетаси саҳифаларида нашр этиш ишларини олиб боради.

3.3. Реклама берувчи мазкур Шартнома талабларига жавоб бермайдиган Реклама модулини такдим қилса, ёхуд Реклама модулининг қоғоз нусхаси ёки электрон шакли бўлмаса, шунингдек, Реклама модулининг қоғоз нусхаси билан электрон шакли мос келмаса, Ижрочи бу ҳақда Реклама берувчини огоҳлантиради ва Реклама берувчи мазкур Шартнома шартларига жавоб берадиган Реклама модули такдим қилингунга қадар уни чоп этмаслик ҳуқуқига эга.

3.4. Реклама берувчи Реклама модулининг такдим қилиниш шартларидаги камчиликлар ҳақида Ижрочидан огоҳлантириш хатини олгандан сўнг, 3 кун ичида Ижрочиға кўрсатилган камчиликлар бартараф қилинган Реклама модулини такдим қилади.

3.5. Реклама модули белгиланган вақтда такдим қилинмаган ва/ёки талабга жавоб бермаган ҳолларда мазкур Шартнома бўйича Ижрочининг хизмат кўрсатиш муддати шунга мос равишда узайтирилади.

3.6. Ушбу Шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган материаллар чоп этилгандан сўнг Ижрочининг мажбуриятлари бажарилди деб ҳисобланади ва бажарилган ишлар юзасидан Акт имзоланиши билан ёпилади.

4. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

4.1. Ушбу Шартноманинг умумий қиймати 6 900 000 (олти миллион тўққиз юз минг) сўм ҚҚС билан.

4.2. Ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 банк куни мобайнида Реклама берувчи ушбу Шартноманинг

4.1.-бандида кўрсатилган сумманинг 100 фоизини олдиндан тўлов сифатида Ижрочининг ҳисоб рақамига бевосита банк орқали тўлаб беради.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Реклама берувчи ўз вақтида тўловни амалга оширмаса Ижрочига кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жариманинг жами миқдори тўланмаган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

5.2. Реклама берувчи такдим қилган Реклама модули ўз вақтида чоп этилмаса, Ижрочи кечиктирилган ҳар бир кун учун Реклама берувчига Шартнома умумий суммасининг 0,5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жариманинг жами миқдори Шартнома умумий суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим..

5.3. Жаримани тўлаганлик Томонларни ушбу шартнома мажбуриятларидан озод қила олмайди.

5.4. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган ҳолларда мажбуриятлар бажарилмаса ёки тўлик бажарилмаса Томонлар ЎзР Қонунчилигига мувофиқ жавобгар саналадилар.

5.5. Ижрочи реклама қилинаётган товар (иш, хизмат) нинг фактик сифатига ва Реклама модулининг мазмунига жавобгар эмас.

5.6. Реклама берувчи мазкур Шартнома талабларига жавоб бермайдиган Реклама модулини такдим қилса, ёхуд Реклама модулининг қоғоз нусхаси ёки электрон шакли бўлмаса, шунингдек, Реклама модулининг қоғоз нусхаси билан электрон шакли мос келмаса, Ижрочи мазкур Шартномага кўра жавобгар эмас.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Иккала Томонларнинг ихтиёридан ташқари ҳолатлар туфайли ва уруш эълон қилиниши, фуқаролар ҳаракати, эпидемия, қамал, эмбарго, зилзила, тошқин, ёнғин ва бошқа табиий офат каби олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳолатлар сабаб бажарилмаган мажбуриятлар учун бир Томон иккинчи Томон олдида жавобгар саналмайди.

6.3. Форс-мажор ҳолатининг мавжуд экани ва унинг давомийлиги ваколатли орган томонидан бериладиган маълумотнома билан тасдиқланади.

6.4. Шартноманинг 6.1.-бандида қайд этилган вазият юзага келса, Томонларнинг мажбуриятни бажариш муддатлари вазият бартараф бўлгунга қадар мувофиқ равишда узайтирилади.

## 7. БОШҚА ТАРТИБЛАР

7.1. Шартнома имзоланган пайтдан бошлаб кучга қиради ва Томонлар ушбу Шартнома мажбуриятларини тўлик бажариб бўлгунларига қадар амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажара олмайдиган ҳолатга тушиб қолган Томон 5 кун ичида иккинчи Томонга Шартнома мажбуриятларини бажара олмаслик сабабларини ёзма равишда маълум қилишга мажбур.

7.3. Ушбу Шартномадан келиб чиқиши мумкин бўлган низо ва тушунмовчиликлар имкон қадар музокаралар орқали ҳал этилади.

7.4. Низо ва тушунмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилмаган тақдирда улар юзасидан Тошкент туманлараро иктисодий судига мурожаат қилинади.

7.5. Ушбу Шартномага киритиладиган ҳар қандай кўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда қайд этилган ҳамда Томонлар имзолаган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома Томонлар учун бирдек ҳуқуқий кучга эга бўлган икки нусхада, ўзбек тилида тузилди ва имзоланди.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТ ВА ИМЗОЛАРИ

### ИЖРОЧИ

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ

Манзил: 100011, Тошкент ш., Абай кўчаси, 6-уй

Телефонлар: 0-371 244-21-71, 244-40-68, 244-15-13

Факс: 244-40-68.

Эл.почта: [uzbunyodkori@mail.ru](mailto:uzbunyodkori@mail.ru).

Ҳисоб рақами 202 080 004 006 355 090 01

АКБ «InFin Bank» МФО 01041

СТИР 304115264 ОКЭД 58190

Бош директор

Д.Х. Джалалов



### РЕКЛАМА БЕРУВЧИ

Манзил:

«GIDROPROEKT» Aksiyadorlik Jamiyati  
g. T. sh. 100011, Toshkent sh., Abay ko'chasi, 6-uy  
T. 0-371 244-21-71, 244-40-68, 244-15-13  
F. 244-40-68  
E. [uzbunyodkori@mail.ru](mailto:uzbunyodkori@mail.ru)  
H. 202 080 004 006 355 090 01  
A. «InFin Bank» MFO 01041  
S. 304115264 OKED 58190

Раҳбар

М.Ў.

No	LAOZIM	IMZO	SANA
1	Dastlabki shartnomalar o'rinbosari		
2	1-nashriyat		
3	2-nashriyat		
4	Huquqiy mas'ul bo'lgan		
5	Mas'ul zodim		